


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 8 январь, № 4 (9175) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли соҳа ходимлари, муҳтарам фахрийлар!

Сизларни 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни билан чин дилдан табриклайман.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори прокуратура органлари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Тизим ходимлари халққа яқин бўлиб инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, қонун устуворлиги ва адолатни бевосита жойларнинг ўзида таъминлай бошлади.

Айниқса, улар доимий қабуллар ташкил этиб, фуқаролар муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Биргина ўтган йилда қарийб 512 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 54 мингга яқин мурожаат, жумладан, салкам 29 минг нафар тадбиркорнинг масаласи ечиб берилгани фаолиятингиз самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Қурилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хотин-қизлар ва ёшларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, ёқилғи-энергетика ва экология йўналишларида, шунингдек, камбағалликни қисқартириш бўйича янги механизмлар жорий этилгани ҳам ижобий натижа бермоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш борасида кўрилган чоралар туфайли Давлат бюджетига 22 триллион 300 миллиард сўм қўшимча тушум ундирилгани, қурилиш соҳасида бюджетдан 3 триллион 900 миллиард сўм ортиқча харажат қилишнинг олди олиниб, ушбу маблағлар қўшимча ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилганини таъкидлаш лозим.

Криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва тизимли профилактика ишлари асосида маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш, оғир тоифадаги маҳаллалар сонини қарийб 1,5 баробар камайтиришга эришилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтган даврда 10 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик ва жиноятга чек қўйилди, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 1 триллион 800 миллиард сўм зарар ундирилди, 13 мингдан ортиқ шахснинг фаолияти легаллаштирилиб, улар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти, шунингдек, кибержиноятларга қарши курашиш бўйича махсус тузилма ташкил этилгани ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилаётган хуружларни аниқлаш, ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли соҳа ходимлари!

Прокуратура идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, тизимга илмий ёндашув ва иш услубларини изчил жорий этиш, билимли, ташаббускор ва жонкуяр малакали кадрлар тайёрлаш бўйича бугун олдимизда долзарб вазифалар турганини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Жумладан, тергов жараёнларини рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришда прокуратура органларини ҳам назорат идораси, ҳам терговчиларни тайёрлайдиган тизим сифатида янада ривожлантириш — бу замон талаби.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш янги босқичга кўтарилаётган ҳозирги даврда прокурорлик фаолиятида очиқликни янада кучайтириш, сизлар хизмат қилаётган тизимда ва бошқа соҳаларда ушбу иллатга чек қўйишда ҳар бир ходим намуна бўлиши керак. Чунки эл-юртимиз прокуратура органларининг хизматчилари тимсолида қонун посбонлари ва адолат ҳимоячиларини кўради.

Сизлар бундай муносабатни қадрлаб, халқимиз ишончини оқлаш учун бундан буён ҳам сидқидилдан меҳнат қиласиз деб ишонаман.

Барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга мустаҳкам соғлиқ, ғоят масъулиятли фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз прокуратура органларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, юртимизда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Калонов Ботир Хамзаевич** — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси

### «Мардлик» ордени билан

**Юнусов Марат Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Разакова Гулчехра Нарзуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

### «Жасорат» медали билан

**Зарипов Жамшид Баходирович** — Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**Махмудов Муродбек Мадиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Ахмедов Бахридин Тожиевич** — Навоий ихтисослаштирилган прокурори ўринбосари

**Рахимов Урал Ташбулович** — Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Юнусов Баходир Холиярович** — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани прокурори

### «Шуҳрат» медали билан

**Гаиббаева Нигина Тайиржоновна** — Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**Қобулов Дилмурод Қобулович** — Сирдарё вилояти прокурори ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 7 январь

Сенатда муҳокама қилинган

# БЕКОР ТУРИШНИНГ МУДДАТИ ҚАНЧА?

*Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ юкини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини янада соддалаштириш ҳамда Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти.*

Ўз навбатида, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш орқали соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тенг шароитлар яратиш бугунги кунда амалдаги қонунчиликнинг янада такомиллаштирилиши заруриятини юзага келтирмоқда.

Шу боис Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги 12-ялпи мажлисида бир қатор қонунлар сенаторлар муҳокамасига ҳавола қилинди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ушбу мақсадлар доирасида ишлаб чиқилган.

➡ 2

Очиқ парламент

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

*Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги позициясини янада яхшилаш долзарб масала.*

Шу мақсадда яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолиятини янги босқичга кўтариш, ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш вазифалари белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида бўлиб, мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, белгиланган вазифалар ҳамда тасдиқланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш юзасидан мулоқот ўтказди.

Очиқ ва қизғин мулоқотларда Қонунчилик палатаси депутатлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, унинг ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

➡ 2




# ҚАДРИЯТЛАР ЯРАЛАДИГАН МАСКАН

*Ҳар ён ва ҳамма жойда бўй чўзаётган янги тураржой биноларини кўриб мушоҳада қилганингда, минглаб одамларнинг бир умрлик орзуси ушалаётгани, олам-олам қувончи кўз олдингда гавдаланади. Ўзбекистонда уй-жой қурилиши соҳасидаги шиддатли ўзгаришлар, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий масалаларга эътибори ва халқ турмуш даражасини яхшилашга қаратилган сиёсати натижасидир. Имтиёзли ипотека ва субсидиялар орқали уй-жой билан таъминлаш механизмининг босқичма-босқич ривожланиши аҳолининг уй-жойли бўлиши учун ҳақиқий имкониятга айланди.*

### Ушалаётган орзулар

Хонадон, бу — тўрт девор ва бир томдан анча катта тушунча. У иссиқ-совуқдан, ёмғиру шамолдан паноҳ бўлгувчи, инсон ўзини эркин ҳис қиладиган, руҳи ором топадиган, болаларини тарбиялайдиган, оиласини шакллантирадиган, қадриятлар яратадиган маскандир.

Шу жиҳатдан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ бу масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. 2016 йилнинг 21 октябрида “2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги, орадан роппа-роса бир ой ўтиб “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди.

➡ 3

Ўзбекистон спорти:

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАР



Сарҳисоб

Спорт соҳаси мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу бежиз эмас. Чунки спорт нафақат жисмонан бақувват ва ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, балки мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришнинг ҳам самарали воситасидир. Шу боис юртимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

➡ 3



# БЕКОР ТУРИШНИНГ МУДДАТИ ҚАНЧА?

←1 Қонуннинг мақсади молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштиришни, ишлаб чиқаришни юқори технологиялар асосида ривожлантиришни, яйлов хўжаликларининг молиявий аҳволини яхшилашни ҳамда енгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозорини, шунингдек, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ва креатив паркнинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзлари тақдим этилишини назарда тутади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) 283,8 мингтани, фаолиятини вақтинча тўхтатганлар эса 286,6 мингтани ташкил этмоқда, улардан 130,4 минг нафарининг фаолият кўрсатмаганига бир йилдан ошган.

Эътибор берилса, фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш муддати белгиланмаганлиги сабабли уларнинг сони фаолият кўрсатиб келаётган ЯТТлардан ошиб кетган. Бундан кўринадики, фаолиятини тўхтатганига бир йилдан ортган аксарият ЯТТларда фаолиятини тиклаш истаги йўқ.

Қонун билан фаолият кўрсатмаётган тадбиркорларни рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатиш муддати уч йилдан бир йилга ўзгартирилмоқда ва мазкур нормани якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам қўллаш назарда тутиляпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси муассислигида давлат муассасаси шаклида тузилган ҳудудий яйлов хўжаликларининг доимий фойдаланишдаги яйлов ерларини ер солиғидан озод қилиш, ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг



ер солиғи бўйича солиқ юкини камайтириш ҳам кўзда тутилган.

Бугунги экологик муаммоларнинг зарарли оқибатларини камайтириш йўлларини излаш, бу борада қонунчиликка зарур ўзгартиришлар киритишни ҳам даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Сенаторлар томонидан маъқулланган мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича ташаббускорлар янги боғларни барпо этишда хорижий мамлакатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) пайвандтагли мевали кўчатларни ва пайвандтагларни, пайвандустларини, оналик материалларини ва техника воситаларини олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар озод этилиши белгиланмоқда.

Бу ҳам мамлакатимизда яшил ҳудудлар барпо этишда бир қатор қулайликлар яратиши, шубҳасиз.

Бугун мамлакатимиз улкан қурилишлар майдонига айланган. Бу бунёдкорликлар замирида эса фуқароларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш, ҳар бир юртдошимизнинг бошпанага эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш ётибди, десак, муболаға эмас. Шу боис “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш доирасида аукцион савдоларида ер участкасини кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахсларни ер участкаси ижарага олинган пайтдан эътиборан ушбу ер участкаси бўйича ер солиғини тўлашдан 12 ой давомида озод қилиш назарда тутилган.

Агарда кўп квартирали уй-жой белгиланган муддатда қурилиб фойдаланишга топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баравар миқдорда ундирилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришга хизмат қилади, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитларни яратишга имкон берадиган солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартибини соддалаштиради.

Асосийси, ушбу қонун имтиёзлардан ўз муддатида фойдаланиш бўйича Солиқ ва Бюджет кодексларидаги номувофиқликларнинг бартараф этилишида муҳим роль ўйнайди.

**Кобул ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.**



# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

←1 Дастлаб фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Айтилганидек, ушбу ҳужжатда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Хусусан, агентлик, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, рақамли комплаенс тизимини жорий қилиш, “E-qaror” платформасининг очиқлигини таъминлаш чораларини кўриш, коррупциянинг олдини олишнинг яхлит тизими — Коррупциянинг олдини олиш кластерини барпо этиш назарда тутилган.

Фармонда муҳим чора-тадбирлар назарда тутилган. Жумладан, Коррупцияга қарши миллий сертификатлаштириш менежмент тизими жорий қилинади. Соҳада сунъий интеллектга асосланган Хавф-таҳлил маркази ишга туширилиши орқали барча идоралар фаолияти ягона платформага бирлашади.

Депутатлар мулоқот чоғида кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни меҳнат қонунчилигининг бузилиши, шу жумладан, меҳнат фаолиятида таъқиб, тазйиқ ҳолатларидан ҳимоя қилиш мақсадида уларга агентлик томонидан ҳимоя ордерини тақдим этиш амалиётига ўтилади. Шунингдек, рағбатлантиришнинг реал механизмлари ишга туширилади.

Иштирокчиларнинг фикрича, агентликка юклатилаётган қўшимча вазифалар коррупцияга қарши курашиш соҳасида превентив механизмларни жорий этиш, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ҳамда услубий ёрдам кўрсатиб бориш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва улардаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ушбу соҳада қонунчиликка риоя этилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, коррупциявий хавф-хатар ва ҳуқуқбузарлик даражаси юқори бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тузилмаларига қўшимча штат бирликларини тасдиқлаш, давлат органлари ва ташкилотларида фаолияти хусусиятларига мос бўлган “комплаенс-назорат” тизимини йўлга қўйишга қаратилган таклифлар ва ташаббусларни ишлаб чиқиш, соҳалар ва тармоқларда коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

— Фармон билан “Коррупцияга қарши курашишга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилгани жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни янада мустаҳкамлайди, — деди Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойбек Йўлдошев. — Бу, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда фаол фуқароларни рағбатлантиришга хизмат қилади. Зеро, барчамизнинг мақсадимиз ушбу иллатга қарши биргаликда курашиш.

Мулоқотлар давомида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги комплаенс назорат тузилмаларига соҳадаги ишларни янада яхшилаш борасида қатор тавсиялар берилди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда агентлик ҳамда ички назорат тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик таклифлари ҳам ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

## Акс садо

# ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

*Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишлар, сиёсий, иқтисодий ҳамда ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда қонун ижодкорлигига доир аниқ таклифлар ҳам илгари сурилди.*

Бу Мурожаатнома Янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги муҳим босқичини белгилаб бергани билан эътиборга молик. Ҳужжатда сўнгги йилларда эришилган ютуқлар билан бирга, келгусидаги устувор вазифалар ҳам аниқ ва пухта асослаб берилди.



Мурожаатномада маҳалланинг жамият ҳаётидаги ҳал қилувчи ўрни, ижтимоий адолатни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, таълим ва инсон капиталига сармояни янада кучайтириш масалалари асосий ғоя сифатида белгиланди. Шундан келиб чиқиб, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ҳам халқпарвар ва узоқни кўзлаган изчил сиёсатнинг яққол намунасидир.

Президентимиз қайси йўналишда ислоҳотларни илгари сурмасин, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратаётгани Мурожаатномада яна бир бор ўз тасдиғини топди. Таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни халқаро стандартлар асосида билим ва касб-ҳунарга эга қилиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан эканига алоҳида урғу берилди.

Бинобарин, илм-фан ривожи ва замонавий технологиялар асосида мамлакат тараққиётини таъминлашда таълим тизимига эътиборни кучайтириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз келажагимиз эгалари саналган ёшларимизни фақатгина билимли бўлиб қолмай, касб-ҳунар бобида ҳам ортда қолмасликка даъват этди. Шу муносабат билан касбий таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқиш вазифаси қўйилди.

2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган ҳудудларда Илғор касбий маҳорат техникумлари ҳамда “Касблар шаҳарчаси” иш бошлайди. Илғор касбий маҳорат техникумлари ҳудуддаги бошқа таълим муассасалари учун методик ва амалий база вазифасини бажарса, “Касблар шаҳарчаси” мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва “яшил” энергетика соҳаларидаги замонавий касбларга йўналтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар ҳар бир фуқаро, жамият ва давлат органлари олдига катта масъулият юклайди. Шундай экан, уларни изчил амалга ошириш ва ислоҳотлар натижаларини аҳоли ҳаётида амалда намоён қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Аксавли ТУМИШОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида жорий йилда 6 та устувор йўналиш доирасида олиб бориладиган дастурга атрофлича тўхталиб, бунда озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим тармоғи бўлган сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.*

Айниқса, қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш учун биоинженериядан самарали фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларни фаол қўллаш ҳамда илм-фан ва инновацияларни кенг татбиқ этиш муҳимлиги урғуланди. Албатта, бу аввало, соҳада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Мурожаатномада муҳим йўналишлардан бири — ички бозорда талабни рағбатлантиришда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни янги технологиялар асосида ошириш зарурлиги таъкидланди. Бунда 2026 йилда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун 52 трлн. сўм ажратилиши айтилиб, озиқ-овқат маҳсулотларини халқимизга барқарор нархда етказиб бериш ҳам тўлиқ ислоҳ қилиниши бўйича вазифалар белгиланди.

Шу ўринда, қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган 3,5 миллиондан зиёд фуқароларимиз соҳада катта марраларни забт этаётганини алоҳида айтиш жоиз. Хусусан, 2025 йилда пахтачиликда деҳқон ва фермерларимиз томонидан 4 млн. тоннага яқин, ғаллачиликда 8,4 млн. тонна хирмон кўтарилди, шоличиликда 1,3 млн. тонна ҳосил олинди ҳамда ўртача ҳосилдорлик пахтада 46 центнерни, ғаллада — 85, шолида эса 50 центнерни ташкил қилди.

Уч йилда 155 минг гектар боғ ва токзор барпо этилди, интенсив боғлар 150 минг гектарга етди. 2025 йилда 3,4 млн. тонна мева, 2 млн. тонна узум, 19,5 млн. тонна сабзавот, полиз ва картошка, 1 млн. тонна дуккакли ва мойли экинлар етиштирилди. Аҳамиятлиси, йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, 3 млрд. долларга етган, йил якуни билан бу кўрсаткич илк бор 3,2 млрд. доллардан ошиши белгиланган ва 83 та давлатга ўзимизда етиштирилган мева-сабзавотларимиз кириб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ишларни қатъий давом эттириш зарурлигини айтиб, инфляцияни жиловлаш мақсадида бозорларимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида барқарор нархда таъминлаш учун 2026 йилдан доимий интервенция тизимига ўтиш зарурлигига урғу берди. Озиқ-овқат жамғармаларига ажратиладиган ресурсни 2,5 баробар кўпайтириб, 500 млрд. сўмга етказиш, мева-сабзавотга ихтисослаштирилган мингта маҳаллада сиғими 100 тоннагача бўлган кичик совиткичли омборлар барпо этиш бўйича вазифалар белгиланди.



Яна бир муҳим устувор йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи.

Мурожаатномада дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бораётганига эътибор қаратилиб, ислоҳотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани айтилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан сув ресурсларини тежаш бўйича тизимли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг натижасида 2020 — 2025 йилларда сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш ва сув етказиб берилишини кенгайтириш мақсадида соҳага 60 трлн. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ҳамда 620 млн. доллардан зиёд хорижий инвестициялар йўналтирилди. Аҳамиятлиси, 2025 йилга келиб жами суғориладиган майдонларнинг қарийб 60 фоизида сувни тежайдиган технологиялар қўлланилишига эришилди. Бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш глобал иқлим ўзгариши ва сув ресурслари йилдан-йилга камайиб бораётган бир даврда аҳолининг сувдан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот етиштириш ҳажмини кенгайтириш кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида сув хўжалигида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Сув кодекси қабул қилингани тармоқнинг муҳимлигидан далолат.

Мурожаатномада бу ишларнинг давоми сифатида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш тадбирларига 2026 йилда жами 3,3 трлн. сўм йўналтирилиши, 1,3 минг километр йирик магистраль каналларни бетон билан қоплаш учун бюджетдан 3 трлн. сўм сарфланиши белгиланган. Бу қўшимча равишда йилига 500 млн. кубометр сувни иқтисод қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Мурожаатномада экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани урғуланиб, бунда нафақат бугунги, балки келажак авлод ҳақида қайғуришимиз зарурлиги таъкидланди. Республика ҳудудига 80 фоиздан ортиқ сув ресурслари қўшни давлатлардан кириб келишини инобатга олиб, белгиланган режаларни амалга оширишда яқин қўшниларимиз билан мустаҳкам ҳамкорлик ва ишонч руҳидаги алоқаларимиз янада ривожлантирилади. Бу борада ҳам минтақамиз давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика, сув, экология, хавфсизлик, маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича муҳим йўналишлар белгиланди.

Ўз навбатида, биз, депутатлар соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, амалга оширилаётган янгиланишларни халқимизга етказиш, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш, долзарб масалаларни парламент даражасида кўтариб чиқиш ҳамда тармоқни ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар ижросининг таъминланиши назоратини олиб боришда фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир.

**Равшан МАМУТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# МАҲАЛЛАДА ТАШВИШ ҲАМ, БАХТ ҲАМ БОР

*Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2025 йилда эришган ютуқларимизни эътироф этиш асносида, қанчалик оғир бўлмасин, халқимиз ўз машаққатли ва фидокорона меҳнати билан улкан марраларни забт этганлигини таъкидлади.*

Энг муҳими, ушбу марралар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олиниб, мамлакатимиз рейтинги йилдан-йилга яхшиланаётгани, обрў-эътибори ортиб бораётгани айтилди. Албатта, буларнинг барчаси қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.

Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб номлаш тўғрисидаги таклифи менга маъқул бўлди. Боиси менинг 44 йиллик меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми маҳаллалар билан боғлиқ. Ишимизга тааллуқли бўлмаган топшириқлар исканжасидан тортиб имконсизликдан эшик беркитиб ўтирганимизгача бўлган ҳолатлар худди кечагидек кўз ўнгимда.

Янги давр ислоҳотлари маҳаллани жамиятнинг чинакам таянчига айлантирди. У аҳолининг ташвиш ва муаммоларини эшитадиган, жойида ўрганиб ҳал қиладиган кучга айланди. “Ташаббусли бюджет”, “ҳоким ёрдамчиси” каби институтларнинг жорий этилиши муаммоларга юқорида эмас, қуйида ечим топилишига



замин яратди. Турли ижтимоий “дафтар”лар орқали хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлиги борлар, шунингдек, маҳалла инфратизимлари билан боғлиқ муаммоларга ечим топилмоқда.

Шу ўринда вилоятимиз бўйича сўнгги йилларда 400 нафарга яқин ногиронлиги бўлганларнинг уй-жой билан таъминланганлигини мисол сифатида келтиргим келади. Бошпанасига эга бўлган ушбу фуқароларнинг қувончини, шукронасини, дуосини сўз билан ифодалаш ниҳоятда мушкул. Уларнинг ҳаётдан розилиги таъминланиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди. Чунки уй-жой бошпанагина эмас, бу Ватан ичидаги кичик ватан. Уйи бор одам ўзини тўлақонли ватаним бор деб ҳис этади. Эсимда, “Энди биз ҳам меҳмон чақира оламиз” деган эди 12 жойда ижарама-ижара яшаган нуроталик ногиронлиги бор аёл уй-жой калитини олаётиб.

Дарвоқе, меҳмон ҳақида сўз кетаркан эсимга тушди: беш-олти йил илгари Навоий вилоятида бештагина меҳмонхона бор эди. Меҳмон келадиган бўлса, олдиндан буюртма бериб қўярдик. Қишлоқ туманларини-ку гапирмасаям бўлади. Бугун вилоят маркази ва туманларимизда 80 га яқин катта, 100 дан зиёд меҳмон уйлари барпо этилган. Сармишсой, Нурота, Тўдакўл, Айдаркўл, Олтинсой, Лангар, Сентоб ва бошқа ҳудудларда тарихий, экотуризм, сафари, пляж ва зиёрат туризми зоналари яратилди. 2016 йил билан солиштирсак, сайёҳлар оқими салкам ўн бараварга ошибди. Бу ўз-ўзидан одамлар учун янги иш ўрни, оилаларга даромад манбаи демакдир.

Албатта, буларнинг барчаси маҳаллаларимизда ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлашишида муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар фуқароларимизнинг маҳаллаларга ихлоси, ишончини орттирди.

Жамият эса ихлос ва ишонч туфайли юксалади.

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати.**

# СТРАТЕГИЯ МУҲОКАМАСИДА ДЕПУТАТЛАР ЯНАДА ФАОЛ БЎЛАДИ

*“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, замонавий таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш, экологик барқарорликни кучайтириш, адолатли ва халқчил давлат бошқарувини йўлга қўйиш, мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.*

Стратегия доирасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда сезиларли ўсиш қайд этилди. Жумладан, камбағаллик даражаси 11 фоиздан 6,8 фоизгача пасайди, ялпи ички маҳсулот ҳажми 107,5 млрд. АҚШ долларидан 140 млрд. долларга етди. Экспорт ҳажмининг 24,9 млрд. доллардан 27,9 млрд. долларга ошгани ташқи иқтисодий фаолият фаоллашганидан далолат беради.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида салмоқли натижаларга эришилган бўлса-да, жаҳондаги глобал ўзгаришлар, ички демографик жараёнлар ва технологик тараққиёт уни янги талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис Стратегияни янгилаш, 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган аниқ натижага йўналтирилган самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш мамлакатнинг барқарор ва инклюзив ривожланишини таъминлашда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, мамлакатда аҳоли сонининг жадал ўсиши ҳам стратегик ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. 2023 йилда 36,7 млн. нафарни ташкил этган доимий аҳоли сонининг 2030 йилга бориб 41 миллионгача ошиши прогноз қилинмоқда. Бу эса урбанизация, бандлик, таълим ва даромадлар масалаларида узоқ муддатли ва комплекс ечимларни талаб этади. Глобал рақобат шароитида рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва маълумотлар бошқаруви соҳаларини жадал ривожлантириш инсон капитали сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.



Такомиллаштирилаётган Стратегия мамлакатнинг ўрта муддатли ривожланиш йўлини янада аниқ белгилаб, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, хусусий сектор ролини ошириш, инсон капиталига сармояларни кучайтириш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш каби устувор йўналишларни қамраб олиши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг муҳокамасида халқ вакилларининг фаол иштирок этиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки депутатлар жойларда аҳоли билан бевосита мулоқот қилади, муаммоларни, таклиф ва ташаббусларни чуқур ҳис этади. Шу боис Стратегия лойиҳасининг муҳокама жараёнида парламент аъзоларининг амалий таклифлари дастуриламал ҳужжатнинг янада ҳаётий ва халқчил бўлишига хизмат қилади. Стратегия лойиҳасининг “uzbekistan2030.uz” ҳамда “regulation.gov.uz” платформаларига жойлаштирилгани очиқлик, ошкоралик ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам эканини алоҳида қайд этиш лозим. Бу ҳар бир фуқарога мамлакат келажагини белгилашда ўз фикрини билдириш имконини беради.

Янада маромига етказилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, бу — фақат режалар мажмуаси эмас, балки эришилган натижаларга таянадиган, халқ манфаатларини устувор қиладиган ва Янги Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган муҳим дастурий ҳужжат. Унинг муваффақияти эса давлат органлари, депутатлар ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳат ва фаол иштирокида намоён бўлади.

**Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Шу йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган электромобилларни қувватлантириш станциялари учун асбоб-ускуналар божхона божидан озод қилинади.**

# ҚАДРИЯТЛАР ЯРАЛАДИГАН МАСКАН



1 Уларда қайси ҳудудда, қанча хонадон қурилиши, неча қаватли бўлишидан тортиб, то тураржой қурилишига сафарбар этилган ташкилотлар ва молия муассасаларининг иштирок этиш механизми, молиявий манбалари, сотиш шартлари, имтиёзлари аниқ ҳисоб-китоб асосида белгилаб берилди.

Давлат раҳбарининг иккинчи қарорига бир йил ичида икки бора тузатиш — янги меъёрлар киритилди. Дастлабки қарорда дастурнинг стратегик асоси белгиланиб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ва қурилиш соҳасини жадаллаштириш, замонавий намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уйлар қуриш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминлаш вазифалари аниқлаб берилди.

Бир ярим ой ичида айни номдаги қарор янгиланиб, мазкур дастурни самарали амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда қурилишни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ипотека кредитларини аҳоли учун янада қулай шартларда тақдим этиш, пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишни кенгайтириш назарда тутилди. Янги уй-жойларни қуриш билан бир қаторда, ҳудудларни комплекс ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бироз вақт ўтиб, ипотека кредитлари бўйича бошланғич тўлов миқдорини камайтириш, кредит муддатларини узайтириш орқали аҳолининг кенг қатламлари учун уй-жой сотиб олиш имкониятларини ошириш белгиланди. Шунингдек, эски кўп квартирали уйларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва муҳандислик тармоқларини янгилаш ишларини кучайтириш вазифалари белгиланди. Қурилиш сифати устидан назоратни кучайтириш ҳам ушбу қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди.

Номлари тилга олинган қарорлар ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилиб, жойларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуришнинг яхлит тизимини шакллантирди, инфратузилма ва ижтимоий объектлар қурилиши асносида аҳоли турмуши яхшиланиши кўзда тутилган миллий доктрина ишга туширилди, дейиш мумкин.

Бу ҳужжатларда, табиийки, "арзон" сўзининг қўлланилиши эътиборни тортади. "Арзон" бу ўринда сифатдан воз кечиш эмас, балки даромадга мослик, ижтимоий адолат мезони сифатида олинган. Мақсад сари йўналиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ипотека соҳасидаги илк ютуқлар замирида қатъият ётади. Унингсиз мақсад шиорга айланиб, қуруқ орзу бўлиб қолаверади. Бу ҳақиқат чуқур англаб етилди, кўрсатилаётган қатъият инсонни ҳам, жамиятни ҳам ўзгартирувчи тарихий кучга айлана борди.

2019 йилнинг ноябрида имзоланган "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ва унга 2020-2021 йилларда илова қилинган қўшимчалар ана шу қатъиятнинг ифодаси бўлди. Шу зайлда Ўзбекистонда имтиёзли ипотека тизими яратилди. Бу тизимда аҳоли ипотека кредитини тўлиқ ёки қисман давлат ёрдами билан эмас, балки тижорат банклари кредитлари орқали бозор принциплари асосида олиши мумкин бўлди. Хусусий қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ҳам бозорда ипотека кредитлари ажратилишига рухсат берилди. Одамлар ўз хоҳишига кўра уй танлаш имкониятига эга бўлди.

Жисмоний шахсларга кўп қаватли уйлардаги квартираларни сотиб олиш учун ипотека кредитлари беришнинг янги тартиби амалга киритилди — дастлабки бадал ва кредит шартлари яхшиланди ва қурилиш ҳолати тўлиқ бўлмай туриб уй олиш имкони яратилди.

Аҳолининг бошланғич тўлови ва фоиз тўловларини субсидиялаш тартиби амалга киритилиши кредитлардан фойдаланишни енгиллаштирди. Хусусий пудрат ташкилотларига тижорат банклари билан ҳамкорликда кўп қаватли уйлар қуриш учун кредитлар ва кафолатлар бериш механизми жорий этилди.

Бу иккинчи босқичда асосий эътибор аҳолини уй-жой билан ипотека ва банк молиялаштириши орқали таъминлаш тизимига ўтишга қаратилди. Давлат ўзининг ижтимоий вазифаларидан келиб чиқиб, имтиёзни барчага эмас, балки кам таъминланганлар, ёш оилалар, уй-жойга муҳтож фуқароларга манзилли тарзда беришга қаратди.

2020 — 2023 йилларда тураржой дастурининг бош марказига банклар чиқди. Улар уй-жой сиёсатидаги иштирокини фаоллаштирди, ипотека маҳсулотларини кўпайтирди, кредит беришда бозор мезонларининг жорий этилиши асосий йўналишга айланди. Натижада шаҳарларда кўп квартирали уйлар қурилиши жадаллашди, инфратузилма (йўл, мактаб, боғча) билан бирга қуриш талаби кучайтирилди.

> *Ўзбекистон 2040 йилга қадар ҳар йили қуриладиган уй-жойлар сонини икки баравар ошириб 421 мингтага етказиш, ипотека кредитлари портфелини эса 56,7 млрд. АҚШ долларигача кўпайтиришни мўлжалламоқда. Жумладан, йирик агломерацияларни қўллаб-қувватлаш, урбанизация жараёнларини уйғунлаштириш, улушли қурилишда иштирок этаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда "Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли" тамойилини жорий этиш назарда тутилган. Бу шаҳарларни ривожлантириш ва уй-жой қурилишининг янги тамойили бўлиб, у ҳудудни лойиҳалаштиришдан тортиб унинг барча инфратузилмаси (йўллар, мактаб, боғчалар, шифохоналар, энергия таъминоти) билан бирга тўлиқ қуриб битказиш ва фойдаланишга топширишни ўз ичига олади.*

2017 — 2022 йиллар мобайнида республика ҳудудида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 53 млн. кв. метр майдондан иборат 218 минг 118 та квартира қуриб битказилди.

Бугунги кунда уй-жой масаласи бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳам жуда кескин турибди. Уй-жой ўрта синф ва ёшлар учун тобора ушалмас орзуга айланмоқда. Сабаби, урбанизация ва иш ўринларининг марказлашуви, қурилиш суръатининг талабдан пастлиги, инвестициявий ва спекулятив тураржойлар, ипотека фоизларининг ўсиши, тураржой сиёсатида давлат иштирокининг сустлиги. Шу боис Ўзбекистон сингари мамлакатлар бу соҳада драйверлик ролини ўз қўлига олмоқда ва ижтимоий-оммавий қурилишга катта аҳамият бераётир.

2024-2025 йиллардаги қадамлар, хусусан "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2025 йилда "Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлар ижтимоий уй-жой ва имтиёзли ипотека сиёсатига янги импульс берди.

Мазкур ҳужжатлар билан ипотека кредитлари орқали уй билан таъминлашни бозор принципларида жадал ривожлантириш ва аҳолининг уй шароитларини яхшилаш, уй-жой ва ипотека бозорини янада кенгайтириш, кредит ресурсларини ошириш, субсидияларни кўпайтириш чоралари, "яшил" уйлар стандартларини жорий этиш, ипотека кредитларини молиялаштириш манбалари белгилаб берилди. Ижтимоий эҳтиёждаги фуқаролар учун махсус квоталар берилди, кредитлашнинг замонавий механизмлари жорий этилди, кўп қаватли уйлар қурилиши орқали шаҳар агломерациялари ривожлантирилди.

## Муваффақиятнинг қаноти бўлади

Ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳар қандай давлат олдида турган асосий муаммолардан биридир. Ўзбекистонда бу масала узоқ йиллар давомида етарлича ҳал этилмай келинди. Шу боис уй-жой қурилиши Президент бошқарув услубининг табиий қисмига айланди. Мазкур жараён мажбурий қарорлар ёки ҳисобот учун бажарилаётган режалар эмас, балки ҳаётнинг ўзи талаб этган, инсон манфаатига хизмат қиладиган саъй-ҳаракат сифатида намоён бўлди. Президентимиз ўз ташрифлари чоғи аҳоли билан очиқ мулоқотларга киришаркан, маҳаллаларга кириб, муаммоларни жойида кўрди, одамлар қандай шароитда яшаётгани, уйи борми-йўқми, фарзандларининг эртанги куни қандай бўлиши билан қизиқди.

Бу саъй-ҳаракатларда ҳашамат йўқ, аммо инсонпарварлик бор. Бу ерда қасрлар эмас, балки минглаб оилаларнинг ўз уйига эга бўлиши муҳим. Ана шу қараш уй-жой сиёсатини иқтисодий кўрсаткич эмас, балки ижтимоий барқарорлик ва халқ розилигини таъминловчи омилга айлантирди.

Президентимиз уй-жойга фақат бозордаги товар эмас, балки иқтисодиёт драйвери ва ижтимоий ҳимоянинг муҳим элементи сифатида қаради. Кенг кўламли уй-жойлар барпо этиш қурилиш саноатини ривожлантиради, маҳаллий табиий ресурслар ўзлаштирилиши суръатини оширади, янги маҳсулотлар, янги иш ўринлари яратилади, ипотека орқали молия бозори фаоллашади, замонавий инфратузилмани яратиш учун инвестициялар жалб қилинади.

Янги қўллаб-қувватлаш чоралари даромади паст оилаларнинг бошланғич тўлов ва кредит фоизларини тўлашдаги қийинчиликларни бартараф этишга қаратилди. Масалан, давлат квартира хариди учун зарур бўлган маблағнинг бир қисмини қоплаб, дастлабки молиявий юкни енгиллатиш масъулиятини ўз зиммасига олди. Кредит фоизларининг маълум қисми бюджет ҳисобидан қопланиб, ойлик тўловларни аҳоли учун қулай бўлган даражага туширди. Кам таъминланган оилалар уй-жой ва ипотека субсидиялари олувчилари рўйхатига биринчи навбатда киритила бошланди. 20 йилгача бўлган муддат тўлов юкини вақт бўйича тақсимлаш ва турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олиш имконини берди.

Муҳими, қўллаб-қувватлаш манзилли характерга эга: у фақатгина ўз имкониятлари билан уй-жой масаласини ҳал қила олмайдиган оилаларга тақдим этилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда айрим оилаларнинг уйли бўлиши учун ҳатто имтиёзли ипотека ҳам етарли эмас экан. Уни бартараф этиш учун ижтимоий ва ижара уй-жой тизими ривожлантирилмоқда. Бунда квартиралар имтиёзли ижара тўлови асосида тақдим қилинади. Кейинчалик уй-жойни сотиб олиш мумкин. Бунда болали оилаларга, ёлғиз ота-оналарга ва оғир ҳаётий вазиятдаги фуқароларга устуворлик берилади. Шу тариқа давлат уй-жой масаласини ҳал этишнинг битта эмас, бир нечта йўлини таклиф қилмоқда.

Ўзбекистоннинг уй-жой дастурида меҳнат муҳожирлари — йиллар давомида хорижда ишлаб, Ватанидан уй-жой сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар эътибордан четда қолмаган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижда олинган даромадлар тўлов қобилиятини баҳолашда ҳисобга олина бошлади. Ватанга қайтиб, расмий ишга жойлашган муҳожирлар бошқа фуқаролар билан тенг равишда субсидия олиш ҳуқуқига эга бўлди. Вақтинчалик яшаш шароити яратилиб, кейинчалик уйни сотиб олиш имконияти берилди.

Бу чоралар нафақат уй-жой муаммосини ҳал этмоқда, балки меҳнат ресурсларининг мамлакатга қайтишини рағбатлантирмоқда. Бундай имтиёзлар оила институтини мустаҳкамлаш, барқарор ўрта синфни шакллантириш, давлат институтларига бўлган ишончни орттиришда катта ижтимоий самара келтирмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий уй-жой сиёсати формал ёндашувдан воз кечилаётганини кўрсатяпти. Универсал ечимлар ўрнига, инсоннинг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олган манзилли қўллаб-қувватлаш жорий этилмоқда. Кам таъминланган оилалар шахсий хонадонга эга бўлиш имкониятини қўлга киритмоқда, меҳнат муҳожирлари Ватанга қайтиш ва мустаҳкам ўрнашиш учун рағбат олаётир, жамият эса янада барқарор ижтимоий тузилмага эга бўлмоқда. Шу тариқа Ўзбекистонда уй-жой инсон қадр-қимматини таъминлайдиган ва давлатнинг ижтимоий барқарорлигини сақлайдиган объектга айланаётир. Давлат бу билан фақат маиший муаммони ҳал этмасдан, ҳокимият ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамламоқда, ижтимоий тенгсизликни камайтирмоқда ва инсон манфаатларига йўналтирилган иқтисодиётни шакллантирмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳам шунда: уй-жой энди имтиёз эмас, ижтимоий кафолатга айланяпти. Америкалик файласуф Жон Роулз тили билан айтганда, энг заиф қатламлар манфаати, адолат ва имкониятлар баробарлиги, қоидаларнинг ҳамма учун мақбуллиги таъминланмоқда.

Ўзбекистон 2040 йилга қадар ҳар йили қуриладиган уй-жойлар сонини икки баравар ошириб 421 мингтага етказиш, ипотека кредитлари портфелини эса 56,7 млрд. АҚШ долларигача кўпайтиришни мўлжалламоқда. Жумладан, йирик агломерацияларни қўллаб-қувватлаш, урбанизация жараёнларини уйғунлаштириш, улушли қурилишда иштирок этаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда "Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли" тамойилини жорий этиш назарда тутилган. Бу шаҳарларни ривожлантириш ва уй-жой қурилишининг янги тамойили бўлиб, у ҳудудни лойиҳалаштиришдан тортиб унинг барча инфратузилмаси (йўллар, мактаб, боғчалар, шифохоналар, энергия таъминоти) билан бирга тўлиқ қуриб битказиш ва фойдаланишга топширишни ўз ичига олади. Бу тамойил уй-жой қурилишида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириб, улушдорлар (олувчилар) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик ва замонавий технологиялардан фойдаланишни назарда тутади.

Кези келганда айтиш лозимки, Президент томонидан ўтказилган селектор йиғилишида 2025 йилда ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сонини 1,5 баравар ошириш ва бунинг учун бюджетдан 2,5 трлн. сўм йўналтириш, уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлашга 20,9 трлн. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратиш, дастурда иштирок этаётган тижорат банклари ва қурилиш ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобига қўллаб-қувватлашни давом эттириш вазифаси қўйилганди. Хорижий инвесторларнинг 500 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағлари жалб қилиниши, бу чоралар пировардида йил охиригача ҳудудларда жами 8,1 млн. квадрат метрдан иборат 135 минг хонадонли уй-жойлар қуришга замин яратиши таъкидланган эди.

Бу мамлакатимизда яна минглаб оилалар уй тўйларини нишонлаши, йиллар давомида қийнаб келган муаммоларидан холос бўлиши, демакдир.

**Асқар ҲАЙДАРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

Ўзбекистон спорти:

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАР





1 Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада туб бурилиш ясади. Ушбу ҳужжатда аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, иқтидорли спортчиларни саралашда инновацион ёндашувларни жорий қилиш, спорт таълими муассасаларида олий маълумотли мураббий ва мутахассислар улушини ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бугунги кунда тизимда амалга оширилган шу каби ўзгаришлар ўз самарасини яққол кўрсатмоқда.

Юртимиз спортчилари халқаро майдонлардаги йирик мусобақаларда барқарор ва юқори натижаларни қайд этяпти. Жумладан, 2025 йилнинг февраль ойида Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтган IX қишки Осиё ўйинларида 26 йиллик танаффусдан кейин ўзбекистонлик спортчилар мусобақаларнинг олтин медалига сазовор бўлди. Фигурали учувчиларимиз Дмитрий Чигирев ва Екатерина Гейниш томонидан жуфтлик баҳсларида қўлга киритилган олтин медаль 30 дан зиёд мамлакатлар орасида Ўзбекистон жамоасининг "Ҳарбин — 2025" қишки ўйинларини кучли бешликда якунлашини таъминлади.

Озарбайжонда бўлиб ўтган III МДҲ ўйинларида Ўзбекистон делегацияси жами 119 та медални қўлга киритди. Мазкур ўйинларда ёшлар таркиби билан иштирок этган боксчиларимизнинг умумжамоада етакчиликка эришгани, дзюдо, қиличбозлик, таэквондо каби йўналишларда эса кучлилар қаторидан жой олгани ўзбек спортида янги чемпионлар авлоди етишиб келаётганини яққол намоён этди.

Ёки июль ойида Германиянинг Рейн-Рур музофотида ўтказилган Бутунжаҳон ёзги Универсиада ўйинларида мамлакатимиз талаба спортчилари 11 та спорт турида қатнашиб, 4 та олтин, 4 та кумуш, 7 та бронза медалларига эга чиққан ҳолда умумжамоада 13-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон делегацияси 2025 йил 22 — 31 октябрда Баҳрайнда ўтказилган III ёшлар Осиё ўйинларида 37 та олтин, 16 та кумуш ва 28 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритди, ноябрда ташкил этилган VI Ислом бирдамлиги ўйинларида эса 29 та олтин, 35 та кумуш ва 32 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ўтган йил Ўзбекистон спорти, хусусан, футболимиз учун тарихий йил бўлди. Миллий терма жамоамизнинг илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма олганини халқимиз тарихий воқеа сифатида кутиб олди. Бу натижа миллий футбол тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Шу билан бирга, ёшлар спортига қаратилаётган эътибор натижасини шахмат бўйича қўлга киритилаётган улкан ютуқларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Навқирон гроссмейстер Жавоҳир Синдоровнинг Жаҳон кубогидаги ғалабаси, умуман, ёш шахматчиларимиз томонидан халқаро чемпионатларда қўлга киритилган кўплаб медаллар Ўзбекистонни шахмат бўйича энг илғор саноқли давлатлардан бири сифатида танитди.




Параспорт турида ҳам юртимиз спортчилари жасорат ва матонат намунасини кўрсатмоқда. Ёшлар Параосиё ўйинларида қозонган ғалабалар, қўлга киритган юзлаб медаллар Ўзбекистонда инклюзив спорт тизими ривожланаётганидан далолат беради.

Сирасини айтганда, 2025 йил мамлакатимиз спорт ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Йил давомида мамлакатимиз спортчилари Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича 250 дан ортиқ нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этди. Терма жамоамиз вакиллари Осиё ва жаҳон чемпионатларида 550 га яқин медалларни қўлга киритиб, Ўзбекистон спортининг халқаро нуфузини янада юксалтирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида спорт соҳасидаги ана шу ютуқларга алоҳида тўхталиб, азму шижоатли спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги ғалабалари мамлакат нуфузини оширишда муҳим омил эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, спорт орқали юртимиз байроғи юксак ареналарда ҳилпираётгани халқимизда ифтихор туйғусини кучайтирмоқда. Спортдаги муваффақиятлар халқимиз руҳини юксалтириш билан бирга, юртимиз номини халқаро майдонларда кўплаб мамлакатлар билан тенг



рақобат қиладиган даражага олиб чиқмоқда.

Эътиборли жиҳати, ёшлар спорти, фитнес ва оммавий спортни ривожлантириш орқали миллатлараро дўстлик ва ҳамкорлик муҳити янада мустаҳкамланади.

Спортдаги ютуқлар замонавий инфратузилма билан уйғун равишда ривожланаётганига ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Янги стадионлар, спорт мажмуалари, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари барпо этилмоқда. Яқин йилларда 55 минг ўринли миллий стадион қурилиши режалаштирилгани эса халқаро мусобақаларни қабул қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар бу фақат медаллар эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи, очиқ ва рақобатбардош давлат сифатидаги қиёфасидир. Юртимиз спортчилари ғалабалари орқали Ўзбекистон дунё харитасида янада равшан намоён бўлмоқда. Бу эса халқимизнинг ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, келгуси зафарлар учун мустаҳкам пойдевор яратади.

**Ғолиб БАҲРОМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2030 йилгача электропоездлар қатнови ташкил этилган йўналишлар сонини 40 тадан 53 тага етказиш белгиланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

## қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

### АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 2,25 та;
катта ўқитувчи — 5 та;
ўқитувчи — 1,75 та;
стажёр-ўқитувчи — 1,5 та.

**Ахборот хавфсизлиги кафедраси:**
доцент — 2 та;
катта ўқитувчи — 1 та.

**Ҳисоблаш математикаси ва ахборот тизимлари кафедраси:**
профессор — 0,25 та.

**Дастурий инжиниринг ва сунъий интеллект кафедраси:**
катта ўқитувчи — 1,25 та;
ўқитувчи — 2 та.

### БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**Биофизика кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 0,75 та.

**Биокимё кафедраси:**
катта ўқитувчи — 2 та.

**Биотехнология ва микробиология кафедраси:**
профессор — 2,25 та;
доцент — 3 та;
катта ўқитувчи — 5,75 та;
ўқитувчи — 3 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,75 та.

**Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 1,75 та;
катта ўқитувчи — 2,5 та;
ўқитувчи — 1 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Тупроқшунослик кафедраси:**
доцент — 1 та.

**Зоология кафедраси:**
ўқитувчи — 1 та.

**Ботаника ва генетика кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 3,25 та;
катта ўқитувчи — 2,25 та.

**Экология кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 3,75 та;
катта ўқитувчи — 1,25 та;
ўқитувчи — 0,75 та.

### ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

**Табиий география кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 2,5 та;
ўқитувчи — 2,5 та.

**Геодезия, картография ва кадастр кафедраси:**
доцент — 0,75 та;
катта ўқитувчи — 3,5 та;
ўқитувчи — 2,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси:**
ўқитувчи — 0,25 та.

### ГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

**Геокимё ва минералогия кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
катта ўқитувчи — 1,25 та.

**Гидрогеология ва геодинамика кафедраси:**
профессор — 1 та;
доцент — 1 та;
ўқитувчи — 0,25 та.

**Геофизика кафедраси:**
ўқитувчи — 0,25 та.

**Геология кафедраси:**
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

### ЖУРНАЛИСТИКА ВА ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

**Компьютер лингвистикаси ва амалий тилшунослик кафедраси:**
катта ўқитувчи — 1,75 та;
ўқитувчи — 5 та.

**Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси:**
профессор — 2,25 та;
доцент — 2 та;
катта ўқитувчи — 1,75 та;
ўқитувчи — 2 та.

**Ўзбек тилшунослиги кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 1,25 та;
катта ўқитувчи — 1,25 та;
ўқитувчи — 0,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 3,5 та.

**Рус адабиётшунослиги кафедраси:**
профессор — 1,25 та;
доцент — 1,5 та;
катта ўқитувчи — 3 та;
ўқитувчи — 1 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Рус тилшунослиги кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 1,75 та;
катта ўқитувчи — 3 та;
ўқитувчи — 2,75 та;
стажёр-ўқитувчи — 2,5 та.

**Журналистика кафедраси:**
доцент — 1,5 та;
катта ўқитувчи — 2 та;
ўқитувчи — 2,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 2,5 та.

**Факультетлараро тиллар кафедраси:**
доцент — 0,75 та;
катта ўқитувчи — 1,5 та;
ўқитувчи — 2 та.

### ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**Ижтимоий иш кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 1,75 та;
катта ўқитувчи — 1 та;
ўқитувчи — 5,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 1 та.

**Социология кафедраси:**
доцент — 3 та;
ўқитувчи — 2,25 та.

**Ҳуқуқий фанлар кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 2,75 та;
катта ўқитувчи — 5,25 та;
ўқитувчи — 11,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 13,5 та.

**Сиёсатшунослик кафедраси:**
доцент — 0,5 та;
катта ўқитувчи — 0,5 та;
ўқитувчи — 2,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 1,25 та.

**Фалсафа кафедраси:**
профессор — 2 та;
доцент — 9,75 та;
катта ўқитувчи — 3 та;
ўқитувчи — 4 та;
стажёр-ўқитувчи — 3,5 та.

**Психология кафедраси:**
профессор — 3,75 та;
доцент — 4,5 та;
катта ўқитувчи — 10,25 та;
ўқитувчи — 4,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 6,5 та.

**Педагогик таълим кафедраси:**
профессор — 1,25 та;
доцент — 7,25 та;
катта ўқитувчи — 5,75 та;
ўқитувчи — 2,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 3,5 та.

### ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

**Эконометрика ва иқтисодий моделлаштириш кафедраси:**
доцент — 0,75 та;
катта ўқитувчи — 3,5 та;
ўқитувчи — 3 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,75 та.

**Иқтисодиёт назарияси кафедраси:**
профессор — 1,25 та;
доцент — 1,25 та;
катта ўқитувчи — 2,5 та;
ўқитувчи — 1 та.

**Макроиқтисодиёт кафедраси:**
профессор — 2 та;
доцент — 2,25 та;
катта ўқитувчи — 5 та;
ўқитувчи — 5,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,5 та.

**Молия ва кредит кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 1 та;
ўқитувчи — 4 та;
стажёр-ўқитувчи — 1,5 та.

**Давлат ва корпоратив стратегиялар кафедраси:**
кафедра мудири — 1 та;
профессор — 1 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 0,25 та.

**Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси:**
кафедра мудири — 1 та;
профессор — 0,25 та;
доцент — 0,25 та;
катта ўқитувчи —1 та.

### КИМЁ ФАКУЛЬТЕТИ

**Аналитик кимё кафедраси:**
катта ўқитувчи — 0,5 та.

**Физикавий кимё кафедраси:**
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 1 та;
ўқитувчи — 0,75 та.

**Органик ва нефть-газ кимё кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
катта ўқитувчи — 0,5 та.

**Умумий ва ноорганик кимё кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 3 та;
катта ўқитувчи — 4,75 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Табиий бирикмалар ва амалий кимё кафедраси:**
профессор — 1 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 0,75 та;
ўқитувчи — 1,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 1 та.

### МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**Алгебра ва функционал анализ кафедраси:**
профессор — 1,25 та;
доцент — 2,75 та;
катта ўқитувчи — 1 та.

**Дифференциал тенгламалар ва математик физика кафедраси:**
профессор — 1,25 та;
доцент — 0,25 та;
катта ўқитувчи — 0,25 та;
ўқитувчи — 1,75 та.

**Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси:**
доцент — 0,75 та;
катта ўқитувчи — 1,25 та;
ўқитувчи — 2,25 та.

**Геометрия ва топология кафедраси:**
доцент — 0,25 та;
катта ўқитувчи — 2 та;
ўқитувчи — 0,5 та.

**Математик анализ кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 1,5 та;
катта ўқитувчи — 3 та;
ўқитувчи — 3,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,5 та.

### ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

**Жаҳон тарихи кафедраси:**
профессор — 2 та;
доцент — 3 та;
катта ўқитувчи — 3,5 та;
ўқитувчи — 3 та.

**Архившунослик ва манбашунослик кафедраси:**
профессор — 1,75 та;
доцент — 2 та;
ўқитувчи — 0,25 та.

**Ўзбекистон тарихи кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 3,5 та;
катта ўқитувчи — 4,5 та;
ўқитувчи — 4,25 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 3,75 та;
катта ўқитувчи — 1,75 та;
ўқитувчи — 1 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,5 та.

**Археология ва этнология кафедраси:**
профессор — 2,75 та;
доцент — 3,5 та;
катта ўқитувчи — 1,75 та;
ўқитувчи — 3 та.

### ТАЭКВОНДО ВА СПОРТ ФАОЛИЯТИ ФАКУЛЬТЕТИ

**Таэквондо ва спорт фаолияти кафедраси:**
профессор — 2,25 та;
доцент — 2 та;
катта ўқитувчи — 1 та;
ўқитувчи — 5 та;
стажёр-ўқитувчи — 11,25 та.

**Жисмоний маданият ва спорт кафедраси:**
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 3 та;
ўқитувчи — 0,25 та.

### ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**Фотоника кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 2 та;
катта ўқитувчи — 0,25 та;
ўқитувчи — 0,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,25 та.

**Назарий физика кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 0,5 та;
катта ўқитувчи — 0,25 та;
ўқитувчи — 0,5 та.

**Умумий физика кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 1 та;
ўқитувчи — 1 та.

**Яримўтказгичлар ва полимерлар физикаси кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 1,25 та;
катта ўқитувчи — 0,25 та;
ўқитувчи — 1 та.

**Ядро физикаси ва астрономия кафедраси:**
профессор — 1 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 2 та;
ўқитувчи — 1,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,5 та.

**Қуруқлик гидрологияси ва метеорология кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 0,5 та;
катта ўқитувчи — 1,25 та;
ўқитувчи — 1,25 та.

### ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**Амалий инглиз тили ва адабиётшунослик кафедраси:**
кафедра мудири — 1 та;
доцент — 1,5 та;
катта ўқитувчи — 3,75 та;
ўқитувчи — 5,75 та;
стажёр-ўқитувчи — 9,5 та.

**Факультетлараро инглиз тили кафедраси:**
доцент — 0,5 та;
катта ўқитувчи — 2,25 та;
ўқитувчи — 4,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 3,25 та.

**Француз филологияси кафедраси:**
профессор — 0,75 та;
доцент — 2,75 та;
катта ўқитувчи — 5,25 та;
ўқитувчи — 2 та;
стажёр-ўқитувчи — 0,75 та.

**Инглиз тилшунослиги кафедраси:**
доцент — 1,75 та;
катта ўқитувчи — 5 та;
ўқитувчи — 4,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 4 та.

**Немис филологияси кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 0,75 та;
катта ўқитувчи — 2 та;
ўқитувчи — 3,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 4 та.

**Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедраси:**
профессор — 0,25 та;
доцент — 0,25 та;
катта ўқитувчи — 1,5 та;
ўқитувчи — 2,5 та;
стажёр-ўқитувчи — 3,25 та.

**Хорижий тил ва адабиёт кафедраси:**
профессор — 0,5 та;
доцент — 1 та;
катта ўқитувчи — 6,25 та;
ўқитувчи — 6,75 та;
стажёр-ўқитувчи — 6 та.

**Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

1. Университет ректори номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (маълумотнома);
3. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхалари;
4. Илмий унвони, илмий даражаси тўғрисидаги дипломлар нусхалари;
5. Илмий ишлари рўйхати (сўнгги 3 йил);
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Хорижий тил билиш даражасини тасдиқловчи сертификат нусхаси (хорижий филология факультети ўқитувчилари учун).

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 (бир) ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎзМУнинг ходимлар бўлими.**
**Тел.: 71-246-03-92.**

**2026 — 2028 йиллар учун умумий молиялаштириш ҳажми 30 млрд. сўмлик илмий лойиҳалар танловлари эълон қилинади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6